



10 (54)-сон
2017 йил, октябрь

ЎЗБЕК РАВОН

O'zbekiston davlat san'at va madaniyat institutining ma'naviy-ma'rifiy, ilmiy, axborot gazetasi



Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти. Олийгоҳнинг гулзор ҳовлиси, чиройли кўркем кўм-кўк арчалари-ю, сарвзор манзарали дарахтлари кўзингизни қамаштиради. Олтин кўзнинг ўйинқароқ кунлари салқин бўлса-да, табиат ўз меҳрини аямай институт ҳовлисини иссиқ тафти билан қиздирди. Ушбу масканда ижод

қилаётган фидойи, ғамхўр устоз, талаба, қўйинги, барча катта-ю кичикнинг, айниқса кунни кеча кириш имтиҳонларидан муваффақиятли ўтган, юраги жўшиб турган биринчи босқич бахтли талабаларининг қувончу шонликлари бир дунё. Сабаби, бугун “Талабаликка қабул”, “Қасамёд” маросими тadbiri.

ТАЛАБАЛИК ДАВРИМ МЕНИНГ, ДАВРОНЛАРНИНГ ЗЎРИСАН

Айтиш жоизки, ҳар йили юз минглаб ёшларимиз олийгоҳларга талаба бўлиш истаги билан ҳужжат топширадилар. Шуларнинг ичидан ҳам энг кучли ва билимли, ҳам бахтли ёшлари талаба деган номга сазавор бўладилар. Жумладан, бизнинг олийгоҳимизга ҳам бу ўқув йилида 4000 га яқин абитуриент ҳужжат топширган бўлса, шундан 18 йўналиш асосида 350 нафари талабаликка қабул қилинди.

Институтимизда 3 факультет мавжуд бўлиб, ҳар бир факультет ўзларининг йўналишлари доирасида қизиқарли, байрамона кайфиятда ўзларининг “Қасамёд” маросимини ўтказишди. Театр санъати факультети 13 октябрь, Халқ ижодиёти факультети 16 октябрь ва Кино, телевидение ва радио санъати факультети эса 19 октябрь кунлари нишонлашди. Институт ҳовлисини бир ҳафтагача байрам кайфияти тарқ этмади.

Саҳна талабаларга мос руҳда байроқчалар ва шарлар билан байрамона безатилган. Талабаларнинг кайфиятини ва ғурурини оширувчи бирдамликка чакирувчи флаерлар илинган.

Тadbир миллий мусика садоси билан бошланди. “Билмасикин” деб номланган куй янграб, гўзал ракс бошланганда санъат нафисликдан иборат эканлигига ишора қилгандек гўё. Доирачиларнинг чиқиши эса янаям ўзгача бўлди. Мусика садолари остида барча факультетларнинг “бахтли талабалари” ўз гуруҳ раҳбарлари ва мураббийлари билан даврага ташриф буюрдилар.

Маросим институт ректори в.в.б Гўзал Халиқулованинг табриги билан бошланди, шунингдек, Маънавий-маърифий ишлар бўйича проректор Давлат Мулладжонов, Ўқув ишлари бўйича проректор Собир Туратов, Молия ва иқтисод масалалари бўйича проректор Зафар Усанов, факультет деканлари ва институтнинг барча устоз мураббийлари, талабалари иштирок этдилар. Чиқишлардаги кетма-кетлик,

ранг-баранглик, узвийлик, замон руҳига мос қизиқарли чиқишлар ҳар йилгидан ҳам бу йилги талабаларнинг истеъдодли ва шижоатли ёшлар танланганлигидан далолат бериб турди.

Айниқса, “Халқ ижодиёти” факультетининг янгича йўналишларини ўзида жо этган факультет рамзи, алоҳида кўкрак нишони ва мадҳиясининг жорий этилгани таҳсинга лойиқ. 2017 йил апрель ойида “Халқ ижодиёти” факультети Маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар бўйича декан муовини Сухроб Хидиров томонидан факультет мадҳияси, эмблема ва кўкрак нишони яратилиш бўйича олийгоҳимиз ва республикамизнинг бошқа олийгоҳ талабалари ҳамда эркин ижодкорлар орасида кўрик-танлов эълон қилинган эди. Бу танловда 50га яқин ижодкорлар ўз ишланмалари билан иштирок этишди. Бу ижодий ишлар орасидан факультет



мадҳияси учун ЎзДСМИ “Маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиш ва бошқариш” йўналиши 3-босқич талабаси Хушнуд Дарвешов шеъри, ЎзДСМИ Ўқув театри расмони Алишер Тўлабеков чизмаси асосида Ахборот технологиялар маркази раҳбари Максим Савочкин дизайн-нерлигида ишланган эмблема ва К.Бехзод номидаги Миллий рассомчилик ва дизайн институти Компютер графикаси ва бади-



ий фото бўлими 3-босқич талабаси Анвар Хайдаров томонидан ишланган кўкрак нишони факультет деканати томонидан танлаб олинди. Ҳозирги кунда факультет мадҳиясининг оронжировкаси ва ижроси шунингдек, факультетнинг расмий байроғи яратилиши устида иш олиб борилмоқда. Қолаверса, факультет кўкрак нишони энг фаол ва ҳаракатчан талабалар ҳамда факультетнинг илмий-ижодий фаолиятига хисса қўшган барча ижодкорлар учун ҳам йилда икки марта бериб борилиши эътибор ва ғамхўрликнинг бир нишонаси эканлиги эътироф этилди. Бу, албатта, ушбу факультетнинг нуфузини белгилаб бериш билан бир қаторда унда фаолият олиб бораётган устозларнинг узокни кўриб иш қўришлари, талабаларга рағбат бера оладиган кучли педагог эканликларини намоён этди.

Яна бир эътирофга лойиқ янгиллик нарса шу бўлди-ки, “рамзий билимлар калити” ҳар йилгидан фаркли ўлароқ, бу йил бошқачароқ тарзда, яъни, факультет бўйича энг юқори балл олган талаба эмас, балки барча талабаларнинг исми шарифи ёзилган қоғозлар ичидан тахминан тортииб, “билимлар калити” шу талабага берилди. Бу янги танлов, бир-биридан гўзал куй-кўшиқлар, дилбар чиройли шеърлар ҳам тadbирга ўзгача бир руҳ бағишлади ва биринчи босқич талабаларнинг бир умр

ЎзДСМИ «Халқ ижодиёти» факультети мадҳияси

Билимнинг қуёши ёритгай олам,
Энг ёруғ машъалдир илм талъати.
Фараҳли ўтмишдан қуч олиб ҳар дам,
Юксалгай ҳаммиша халқ маданияти

Нақорат:

Бизга ёр санъат, фан, илм баёти.
Юксалсин кўк қадар халқнинг ижоди.

Эл учун таянчдир заковат билан-
Маърифат йўлида шахди борлари
Шу азиз олийгоҳ бўсагасидан,
Тугилгай миллатнинг ижодкорлари.

Нақорат:

Бизга ёр санъат, фан, илм баёти.
Юксалсин кўк қадар халқнинг ижоди.

Ўқиб, ўрганамиз ҳар дамда ёниб,
Устозлар ўғитин ёдда сақлаймиз.
Ўзбекнинг номини дунёга ёйиб,
Олган билимимиз албат оқлаймиз!

Нақорат:

Бизга ёр санъат, фан, илм баёти.
Юксалсин кўк қадар халқнинг ижоди.

Ҳар минбар, саҳнада қаддимиздир тик,
Эл учун шайдир бор билим, кучмиз.
Бу халқнинг энг гўзал ижоди-тинчлик,
Биз ёшлар шу ижод давомчисимиз.

Нақорат:

Бизга ёр санъат, фан, илм баёти.
Юксалсин кўк қадар халқнинг ижоди.

Хушнуд ДАРВЕШОВ,

“Маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиш ва бошқариш” йўналиши 3-босқич талабаси

ёдида қоладиган кун бўлди.

Хурматли Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан 30 июнь санасининг “Ёшлар кунини” деб эълон қилиниши, яъни ёшлар масаласига Давлат сиёсати даражасида эътибор берилиши, уларнинг билим олиши, касб танлаши, истеъдодини намоён этиши кенг имкониятлар эшиги очилганидан далолат беради.

Биз ёшлар ҳам бундай имкониятлардан оқилона фойдаланиб, ҳар бир соҳада ўз истеъдодимизни, куч-ғайратимизни намоён этишимиз керак. Зеро, бу эътибор, бу ғамхўрликлар юрагимизга шундай бир шижоат учқунини соладик, вақти келиб бу учқун алангага, бизларни буюк ишларга, Ватан қорига ярашдек муқаддас вазифага сафарбар этади. Чин юракдан айтилган ушбу сўзлар бугунги ажойиб тadbир жараёнидаги ўзбек, рус, инглиз тилида қасамёд қабул қилган ҳамда талабалик гувоҳномасига эга бўлган биринчи босқич талабаларининг дил сўзлари бўлди, десам муболаға қилмаган бўламан.

Бахтли ёшларда эндиликда ҳам ўз истеъдодларини доимий намоён этиб бориш, айниқса, мутахассислик фанларини пухта ўзлаштириш, олтин даврнинг олтинга тенг сонияларидан унумли фойдаланиш талаб этилади.

Ҳа, талабаликнинг олтин даври чин маънода бу бахт демакдир. Талабалик нафақат бахт, балки улкан масъулият ҳамдир. Ушбу масъулиятли йўлда барчага омад ва муваффақият ҳаммиша ёр бўлсин!

Мухаррам БОЗОРОВА,

“Кино, телевидение ва радио санъати” факультетининг Ёшлар иттифоқи етакчиси. Мухбирлар клуби сардори



Халқимизнинг маънавий камол топшишида санъат намоёндалари ва санъатшунос олимларнинг улкан хизматлари беқийс. Замон билан ҳамнафас ижод қилиб фаолият юритаётган фидойи, фаол, шогирдлари қалбидан аллақачон ўрин эгаллаган, илм ва маърифат йўлида толмай меҳнат қилиб келаётган Муҳаббат Тўлахўжаева ана шундай эҳтиромга лойиқ олимлардан бири ҳисобланади.



Театр — менинг ҳаётим



аммо меваси тотли ҳаёт йўлига бир назар солиниб, маърузалар тингланди. Дилдан суҳбат жараёнида институт ректори в.б. санъатшунослик фанлари номзоди Г.Э. Халикулова, Маънавий-маърифий ишлар бўйича проректори Д.Мулладжоновлар иштирок этиб, устознинг фаолияти давомида канчадан-канча спектакллар муҳокама қилинганлиги, Ўзбекистон театр санъати тарихи ва ҳозирги ҳолатига оид кўплаб тақризлар, ижодий портретлар ҳамда 100 дан ортиқ илмий мақолалари матбуотда эълон қилинганлиги, шунингдек, бўлажак театршуносларга сахна санъатининг назарий асосларидан сабоқ бериб келаётганликлари ҳақида гапириб беришди.

2017 йил 3 октябрь куни “Санъатшунослик ва маданиятшунослик” кафедраси профессор-ўқитувчилари, “Театршунослик” ва “Сахна ва экран санъати драматургияси” таълим йўналиши 3-босқич талабалари иштирокида “Устозга эҳтиром” мавзусида семинар ташкил қилиниб, унда санъатшунослик фанлари доктори, профессор Муҳаббат Тўлахўжаеванинг мазмуни ҳамда илм йўлидаги машаққатли,

Сўз олганлардан яна кафедра мудир санъатшунослик фанлари номзоди, доцент А.З.Ризаев, санъатшунослик фанлари доктори, профессор С.М.Қодирова, фалсафа фанлари номзоди, доцент, М.Умаров, та-

рих фанлари номзоди, доцент Қ.В.Нишон-босвалар устознинг ўзбек театр санъатининг ривожланишидаги хизматлари ҳамда ёш театршуносларни тарбиялашдаги муносиб ўрни ҳақида маълумотлар бердилар.

Ҳақиқатдан ҳам, театршунослик илми, бу илм тараққиётидаги йўналиш бўлган театр танқидчилигини Муҳаббат Туробовнасиз тасаввур қилиш қийин. Бунинг ёрқин исботи сифатида устознинг кейинги йилларда қатор чоп эттирган театршунослик, театр танқидчилигига оид асарларидан ҳам билишимиз мумкин.

Илмий семинарнинг кизикарли ва фойдали жиҳатларидан яна бир қисми “Сахна ва экран санъати драматургияси” таълим йўналиши 3-босқич талабалари томонидан ўтказилган кенг қамровли тадбирда Муҳаббат Туробовнанинг серкирра ижодий фаолиятига доир илмий изланишлари уларнинг инсонийлик хусусиятлари қолаверса, улар ҳақида ўқилган маърузалар қатнашувчиларнинг диққатини ўзига торғди. Шунингдек, И. Нургожиевнинг “Дарс муқаддас-устозлик шараф” ҳамда Н. Раҳматова томонидан тайёрланган “Ўзбек театри тадқиқотчиси” мавзусидаги маърузаси иштирокчиларда катта таассурот қолдирди. Унда чинакам тажрибали мутахассис Муҳаббат Тўлахўжаева бўлажак театршуносларга сахна санъатининг назарий асосларидан сабоқ бериш жараёнида талабчан, илмий раҳбар, мохир педа-

гог, ташаббускор ташкилотчи, ўз соҳасининг етуқ мутахассиси эканлиги яна бир бор эътироф этилди.

Тадбирда иштирок этган Қ.Ражаббоев, У.Самиков, Н.Хайтова, Ш.Қобилова каби иқтидорли талабалар ҳам ўз маърузаларида ҳам адабиёт, ҳам санъат ривожига катта ҳисса қўшган серкирра адибнинг илк санъатга кириб келган кунидан ҳозирги босқичгача, яъни театр санъати уларнинг ҳаётига сингиб кетганлигини аниқ мисоллар билан айтиб ўтдилар. Семинар сўнггида барчани мамнун ва хушнуд қилган нарса ўз соҳасининг юксак билимдони, театршунос олима, санъатшунослик фанлари доктори, профессор, барчамизнинг сеvimли устозимиз Муҳаббат Туробовна Тўлахўжаеванинг “Дўстлик” ордени билан мукофотланганлиги билан муборакбод этганимизда яна ўша камтарлик ва ўзлари-га ярашиб турадиган самимийлик билан шундай деб сўз олдилар: — “Инсон театрга бир маротаба муҳаббат қўйса, ундан воз кеча олмайди. Театр — жонли санъат, “Театр — менинг ҳаётим”.

Ҳа, устоз, сизга Оллоҳдан соғлиқ тилаган холда, театршунослик илмини жонқуяри сифатида бағрикенглик, самимийлик ва шогирдларга меҳрибонлик сизни ҳеч қачон тарк этмасин, деймиз.

Қундузхон НИШОНБОЕВА,
“Санъатшунослик ва маданиятшунослик” кафедраси доценти

16 октябры 2017 года в Государственном институте искусств и культуры Узбекистана состоялась встреча профессорско-преподавательского и студенческого состава института с делегацией Российской Федерации, которая приехала в Узбекистан для участия в Неделе российского кино.

РАЗВИТИЕ РОССИЙСКО-УЗБЕКСКОГО КУЛЬТУРНОГО СОТРУДНИЧЕСТВА

В составе делегации гостей были: многократный лауреат премии ТЭФИ, репортер, продюсер и режиссер Михаил Дегтярь, лауреат премии «Ника», призёр Венецианского кинофестиваля оператор Алишер Хамидходжаев, продюсер Наталья Иванова, заслуженные артисты России Светлана Тома и Эвклид Кюрдзидис, а также актер Александр Песков.

Гости ознакомились с учебными аудиториями и мастерскими, учебным театром, материально-технической базой института. Посмотрели и обсудили краткометражный фильм «Она» снятый студенткой 2 курса Мухлисой Азизовой, представленный на Каннском фестивале. Обменялись мнениями о состоянии современной кинематографии. Встреча прошла в творческой, дружеской, доброжелательной обстановке.

В организации принимали участие Министерство культуры Узбекистана, Союз молодежи, Центр развития кинематографии и Национальное агентство «Узбекино». Данное мероприятие проводится при поддержке Министерства культуры Российской Федерации, а также российской кинокомпании «Фестинема».

Неделя продлится до 20 октября 2017 года. В рамках фестиваля будут показаны пять кинолент из Российской Федерации. В программу недели войдут фильмы, снятые российскими кинематографистами: «Коробка» (16

октября в 17:00), «Огни большой деревни» (17 октября, 15:00), «Тэли и Толи» (18 октября, 15:00), «Находка» (19 октября, 15:00), «Лиризм» (20 октября, 15:00), «Единичка» (20 октября, 18:00).

Узбекские зрители смогут поближе познакомиться с российским кинематографом в рамках Недели российского кино. В рамках данной недели состоятся рабочие встречи с кинематографистами Узбекистана, будут проведены мастер классы и творческие встречи.

Узбекистан и Россия проявляют взаимный интерес к искусству и культуре друг друга. В Узбекистане находят широкий отклик проводимые при поддержке дипломатической миссии мероприятия, посвященные культуре и традициям народов России, среди которых Масленица, Сабантуй, День славянской письменности, День России, праздники, посвященные татарскому и крымско-татарскому языку, фестивали татарской и башкирской культуры и другие. И вот Неделя российского кино. Данное мероприятие послужит дальнейшему плодотворному развитию двухсторонних отношений между Республикой Узбекистан и Российской Федерацией.

М.ЮЛДАШЕВА,
и.о. доцента кафедры «Организация и управление учреждениями культуры и искусств»



ИЖОДИЙ КЕЧА

Садокат, муҳаббат, дўстлик каби мавзулардаги шеърлар муаллифи, ёшларнинг сеvimли шоири Иқбол Мирзо институтимизда 5 октябрь куни меҳмон бўлди. Маънавият-маърифат ишлари бўйича проректор Д.Мулладжонов ташкил этган бу учрашув шеърга ошно талабаларга илҳом бағишлади. Иқбол Мирзо сенатор сифатида юртимизда бўлаётган ўзгаришлар, мустақилликгача бўлган давр, муҳтарам Биринчи Президентимиз Ислам Каримовнинг кўрсатган ташаббуслари, уларнинг халқ учун ва биз ёшлар учун яратган шароитларини, улкан бунёдкорлик ишлари ҳақида гапириб ўтди. Шу билан бирга шоир ўзининг дилбар шеърларини ўқиб кечага файз олиб кирди.

*Бошинг эгиб, таъзим айла, шукрона айт,
Сени гулдек эркалаган чаман учун.
Осмонларда юрган бўлсанг, тупроққа қайт,
Айтгил, дўстим, нима қилдик Ватан учун?*

Учрашув шу даражада дилга яқин самимий руҳда ўтдики, биз ёшлар улар билан дилдан суҳбатлашдик ва ўзимизни кизиктирган саволларимизга жавоб олдик. Кечада Иқбол Мирзонинг шогирдлари ҳам ўзларининг шеърлари билан қатнашишди. Учрашув сўнггида институтимиз талабалари томонидан шоирнинг Муҳаммад Юсуф билан чизилган портрети тақдим этилди.

Орзул МУЗРОБОВА,
“Сахна ва экран санъати драматургияси”
йўналиши 1-босқич талабаси

Фестивалнинг тантанали очилиш маросимини Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирининг ўринбосари К.Акилова очиб берди ва шу қаторга яна сўз олганлардан Республика маданият муассасалари фаолиятини ташкил этиш илмий-методик маркази директори А.Ҳайдаров, Ўзбекистон Республикаси “Тасвирий ойина” ижодий уюшмаси раиси И.Латипов, Ўзбекистон ошпазлар уюшмаси раиси А.Умаровлар номоддий маданий меросимизнинг аҳамияти, тарғиботи хусусида тўхташди.

Институт ҳовлисида ташкил этилган хунармандчилик маҳсулотлари кўргазмаси барчада катта қизиқиш уйғотди. Фестиваль доирасида Респуб-



ЎЗБЕК МАДАНИЙ МЕРОСИ — ЖАҲОН НИГОҲИДА

лика илмий-амалий анжумани ҳам ташкил этилиб, унда соҳа мутахассислари томонидан мавзуга доир маърузалар тингланди.

Турли хил фольклор жамоалари, бахши, лапар, ўлан ижрочиларининг чиқишлари, кўғирчокбозлик томошалари барчага кўтаринки руҳ улашиб, фестивалга ўзгача шуқуҳ ва кўрк бағишлади. Айниқса, дорбозлик санъати чиқишлари йиғилганларнинг ҳай-

ратига сазовор бўлди.

Фестивални ташкил этишдан асосий мақсад ҳам халқимизнинг ўлмас санъати ва маданий мероси аънаналаридан бўлган урф-одатларимизнинг бугунги кундаги аҳамияти, “Шашмақом”нинг инсон руҳий камолотига таъсири, “Наврўз” умумхалқ байрами орқали инсон ва табиат уйғунлиги, аския сўз санъатида ўзбек тилининг сўз бойлиги ва муомала маданиятининг акс этиши,

халқимиз маданиятининг ёрқин намунасига айланган палов таомининг тайёрланиши, унинг ўзига хос жиҳатлари ва бошқа номоддий маданий меросимиз ҳақида маълумотлар бериш, анъаналарни қайта тиклаш ва тарғиботини олиб боришдан иборатдир.

Хуршида ФАЙЗУЛЛАЕВА,
Наشريёт ва таҳририят
бўлими муҳаррири



Долгожданным событием в жизни Государственного института искусств и культуры Узбекистана и республики стал выход в свет нового журнала «Xabarlari» (подобно сообщениям «Академий наук»). Он оказался своевременен созвучен встрече Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева с творческой интеллигенцией страны, на которой уделено большое внимание развитию культуры и его Указу «О дальнейшем совершенствовании деятельности печати и информации», направленному на повышение культуры чтения в нашем обществе, поддержку и развитие издания и распространения книжной продукции, создание электронных и аудиокниг.



Издание журнала «Xabarlari» в Государственном институте искусств и культуры Узбекистана

По инициативе ректора Государственного института искусств и культуры Узбекистана Бахтиёра Сайфуллаева - ныне министра культуры Республики Узбекистан, была создана редакционная коллегия для издания научно-теоретического, практико-методического, духовно-просветительского журнала. Журнал «Xabarlari» зарегистрирован в агентстве печати и новостей Республики Узбекистан 14 декабря 2015 года № 0862, ISBN 2181-8932.

Главный редактор журнала - Б.Сайфуллаев, заместитель главного редактора - Г.Халикулова - ныне о.и. ректора Государственного института искусств и культуры Узбекистана.

Вдумчивая работа была проведена руководителями и редколлекцией по определению структуры журнала. Название журнала «Xabarlari» информирует о первоочередности публикаций. Дизайн журнала выполнен с художественным вкусом.

Журнал «Xabarlari» состоит из нескольких разделов. Открывает его - «Трибуна главного редактора», в которой Б.Сайфуллаев, раскрывает специфику вуза, его развитие, сферу деятельности профессионального образования в Узбекистане и Каракалпакстане, так как в Нукусе находится филиал института.

Не случайно, что первый раздел назван «Театр и кино». Среди его авторов в первом номере, несомненный, интерес представляет статья Г.Халикуловой, анализирующая вопросы исторической атмосферы на сцене, имеющие важное место в сфере актерского и режиссерского искусства. М.Умаров в статье раскрывает опыт современных зарубежных театров, находящихся через

интерес своего зрителя, а также процесс превращения этого зрителя в поклонника, поклонника в партнера, и далее творческого партнера в спонсора конкретного спектакля. О.Ризаев в содержательной статье рассматривает, что литература теснейшим образом связана с другими видами искусства - театром.


В первом разделе журнала № 2 привлекает статья С.Кодировой, рассматривающей репертуарную политику узбекского национального театра европейского образца в период его зарождения, становления и развития. Исследователь Ф.Абдувохидов детально анализирует творческую деятельность Сурхандарьинского областного театра нового времени.

Во втором разделе журнала № 2 «Музыкальное искусство» глубокие научные исследования отражены в следующих статьях. Известный учёный О.Ибрагимов освещает сегодняшнее состояние узбекского музыкального искусства, вобравшее в себя непреходящие ценности исконных традиций и духовные аспекты современных веяний, развивающиеся по многим направлениям.

Вопросы интерпретации блюза в творчестве композиторов Узбекистана, в стилеобразующем обогащении образного мира и музыкального языка рассматриваются в статье Т. Седых.

В третьем разделе журнала № 1 - «История искусства, философия, нематериальное культурное наследие» весомый вклад в изучение социально-гуманитарной науки внесен в статьях А.Маврулова, М.Бекмуродова, С.Жумаева, Х.Шодиёва.

В четвертом разделе этого же номера «Педагогика и психология» большой интерес представляют методические



рекомендации А.Носыровой и Ж.Маматкосымова по инновационно-концептуальным основам в процессе обучения дисциплины «Сценическая речь» в современном образовании искусства.

В четвертом разделе журнала № 2 «Педагогика и психология» статья А.Кошелевой и Н.Шахназаровой посвящена возникновению и развитию толерантности в истории педагогической школы Средней Азии. Вклад мыслителей Востока в обучение толерантности.

Нововведением является раздел «Солнома», в котором отражены исторические события, связанные с деятельностью Государственного института искусств и культуры Узбекистана - Указом Президента Республики Узбекистан Ш.Мирзиёева 7 июля 2017 года был открыт филиал ГИИКУз в Фергане по направлению «Актерское искусство».

Журнал «Xabarlari» является не только важным для вуза, он представляет огромный интерес в изучении роли искусств и культуры в Узбекистане, в современном мире, он весьма актуален, необходим для повышения духовности и решения важных образовательно-воспитательных задач.

Татьяна СЕДЫХ, и.о.доцента кафедры «Музыкально-теоретических дисциплин»

Жорий йилнинг 14 октябрь куни Олмалик кон металлургия комбинати "Дўстлик клуби" ҳамкорликда институтимизнинг мўъжазгина ховлисида талабалар учун сунъий қопламали футбол майдончаси ишга тушди. Бу майдонча институтимиз ҳамда ҳамкор ташкилот фаолиятининг бир дебочаси десак, муболага бўлмайди.

Очилиш маросимида институт ректори в.в.б Г.Э.Халикулова, Миллий банк раҳбари Сухроб Холмуродов, Олмалик кон металлургия комбинати раҳбари, сенатор Александр Фармонов, Маънавий-маърифат ишлари бўйича проректор Д.Мулладжонов, Уқув ишлари бўйича проректор С.Туратов, Молия ва иқтисод ишлари бўйича проректор З.Усанов, факультет деканлари, институтнинг устоз ва мураббийлари ҳамда талабалар иштирок этишди. Тадбирда Олмалик кон металлургия комбинати раҳбари сўз олиб "Биз Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг "Дўстлик клуби"га раҳбарлик қилсак" деган ташаббус билан чиқиб, бизни жуда ҳам хурсанд қилди. Майдончанинг очи-



лиш маросимидан сўнг факультетлараро футбол мусобақасига старт берилди.

Бу каби амаллар хамиша юртнинг фаровонлиги, ёш авлоднинг юксалиши учун эзгу ниятларда амалга оширилади ва уларнинг натижаси албатта хайрли бўлади.

Шахноза РУСТАМАЛИЕВА, "Ижтимоий маданий фаолият" йўналиши 2-босқич талабаси

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислон Каримовнинг 1999 йил 10 июндаги ПФ-2326 сонли "Зулфия номидаги давлат мукофотини таъсис этиш бўйича таклифларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Фармонини бажариш мақсадида Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти Ахборот ресурс марказида Зулфия номидаги Давлат мукофоти танловининг саралаш босқичи ўтказилди.



ЗУЛФИЯХОНИМ ИЗДОШЛАРИ

Тадбирда сўзга чиққан институт Хотин-қизлар кўмитаси раиси М.Исокова мазкур мукофот юксак истеъдоди, кенг дунёкараши ва бой тафаккури билан тенгдошларига намуна бўлаётган қизларни кашф этиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва иқтидорини рўёбга чиқаришга хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади.

Институтнинг профессор-ўқитувчиларидан иборат бўлган ҳакамлар хайъати иштирокчиларнинг адабиёт, фан, таълим, санъат ва маданият йўналишларидаги маҳоратларини синовдан ўтказди. Ҳар бир йўналиш бўйича уларнинг ижодий ишлари ва чиқишлари, тан-

ловга тақдим этилган материалларига баҳо берилди.

Танлов шоиранинг шеърларидан мушоира айтишга уланиб кетди. Қизгин баҳру-байтдан сўнг, йўналишлар бўйича ғолиблар эълон қилинди. Кўрик танловнинг мутлоғ ғолиблигини "Халқ ижодиёти", факультети "Ижтимоий-маданий фаолият" йўналиши 2-босқич талабаси Нишонава Жумагул лойиқ топилди ва кейинги босқичга йўллангани қўлга киритди. Танлов иштирокчиларига эсдалик совғалари топширилди.

Наргиза ҲИКМАТОВА, "Саҳна ва экран санъати драматургияси" йўналиши 1-босқич талабаси

ИСТЕЪДОДГА ЛОЙИҚ ЭЪТИРОФ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 13 октябрдаги 226-сон "Ўзбекистон иқтидорли ёшларини тақдирлаш ва моддий рағбатлантириш тўғрисида"ги қарори билан тасдиқланган "Талабалар учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендиялари ва уларни тайинлаш тартиби тўғрисида Низом" ва "Давлат стипендиялари ва уларни тайинлаш тартиби тўғрисида Низом"ларга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июндаги "Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида"ги ПФ- 5069-сон Фармонини инобатга олган ҳолда Давлат стипендиялари учун номзод тайинлаш бу йил ҳам катта қизиқиш билан амалга оширилди.

Бу жараёнда олийгоҳимиз талабалари ҳам юқори натижаларни қўлга киритди. Институтимизнинг "Кино, телевидение ва радио санъати" факультети Телевидение ва радио режиссёрлиги йўналиши (рус гуруҳи) 3-босқич талабаси Расуллов Аббосшоҳ Абдувоси ўғли Ўзбекистон Республикаси Ислон Каримов номи Давлат стипендияси совриндори ҳамда Театршунослик йўналиши 3-босқич талабаси Кенжаева Чарос Ҳамидулла кизи эса Ўзбекистон Республикаси Навоий номи Давлат стипендияси соҳибаси бўлди. Уларни бу юксак муваффақият билан муборакбод этамиз ва ватанимиз таракқиёти йўлида улкан натижаларга эришишларга тилакдошмиз.

Нашриёт ва таҳририят бўлими

ЁШ ИЖОДКОРЛАР ФОРУМИ

2017 йилнинг 6-9 октябрь кунлари Ёшлар иттифоқи қошидаги "Ёш ижодкорлар" кенгаши ташаббуси билан Тошкент вилоятининг тоғли ҳудудида жойлашган хушманзара, сўлим баҳаво Бўстонлик туманида I Республика ёш ижодкорлар форуми бўлиб ўтди.

Ушбу форумда атоқли адиб, чуқур билим соҳиби Исажон Султон, бағрикенг устоз Хуршид Дўстмухаммад, етук истеъдодли драматург Кўчкор Норқобил, ажойиб дилбир шеърлар муаллифи шоир Маҳмуд Тоир каби ижодкорлар билан бир қаторда республикамизнинг бир қанча ёш ижодкорлари, шунингдек бизнинг Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтимиздан ҳам фаол талабалар,

жумладан, Обиджон Рўзиев, Шавкат Дўстмухаммад, Муътабар Бойматов ва мен Ўзбектош Сайхун ҳам иштирок этиб, бир-бирларимизнинг ижод намуналаримиз билан яқиндан танишиб ўртоқлашдик ва катта таассуротлар билан қайтдик.

Мен ушбу олийгоҳда режиссёрлик йўналишида мутахассислик фанларини ўрганишга шўнгиб кетганимдан, чинакам сўз сеҳри-

дан узоклашиб кетганлигимни англадим. Ушбу форум туфайли сўз усталари билан бўлган учрашувда мен яна бир бор сўзнинг сеҳрли бағрига қайтдим. Демакки, яна ҳам сўз жозибасига мафтун бўлдим. Айниқса, шоир Маҳмуд Тоир томонидан ўқилган "Тоғларга чиққанлар тоғ бўлиб қайтгай..." каби мисралар билан бошланган ажойиб шеър ва Жиззахдан ташриф буюрган 10-синф ўқувчисининг "Ваъда" саҳна асарини ўқишга тавсия этилиши иштирокчиларни янаям руҳлантириб юборди. Шунда сўзга чиқиб: "Асар тугулланмаган бўлса ҳам келажақда катта асарлар яратиш учун берилган ваъда" деганимда кўпчилик бу гапни олқишлар билан тасдиқ этишди.

Мен ёш режиссёр сифатида ўзбек театри ва кино санъатига ўз хиссамни қўшишни орзу қилиш билан бирга, турли ғоялар, лойиҳалар, таклифлар устида иш олиб борар эканман, шу ўринда муҳтарам Президентимизнинг доно фикрлари билан ташкил этилган "Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи" ташкилоти бу йўлда менга ҳаммаслақ ва елкадош бўлишига ишонаман.

Ўзбектош САЙХУН, "Муסיқали театр режиссёрлиги" йўналиши 4-босқич талабаси



МИЛЛИЙ ЛИБОС — МИЛЛИЙ ҒУРУР



Шарк, умуман, тамаддунига қўшган муносиб ҳиссаси билан ўзига хос ва мос ўрнига эга. Донишманд халқимиз азал-азалдан юксак инсоний фазилатлар саналмиш ҳалоллик, покизалик, иймон-этиқод, ҳаё-ю ибод, инсофу диёнат, меҳнатсеварлик, камтарлик, ватанга садоқат, ватанпарварлик каби фазилатлари билан жумлаи жаҳонда бонг таратган.

Айниқса, шаркона андиша, меҳр-окибат, хайр-саховат, одоб-ахлоқ, ифқат ва ҳаё, юриш ва туришда камтарлик, муомала, тавозе ва катталарга ҳурмат, кичикларга иззат, бошқача қилиб айтганда эса ички ва ташқи сийрату сурати билан ҳар доим намуна бўлиб келган.

Либос — ўзлик кўзгуси. Буни унутмаслик лозим. Инсонларга улар устидаги кийимига қараб ҳам, миллатини жамиятдаги мавқеини, дунёқарашини аниқлаш мумкин. Шундай экан, миллатидан фахр ҳиссини туйган ҳар бир инсон миллийликка интилиши кадрятлар барҳаётлиги-

ни таъминлайди. Хорун Рашид даврида Боғдогга самарқандлик тикувчилар бориб сарой аёллари учун либослар тикиб беришган. Бу кийимларда аёлларнинг ҳаёси, ибоси билан уларнинг бутун гўзаллигини нурлантириб, юборувчи бичимлар қўлланилган.

Кийиниш маълум маънода кишининг эстетик дидини, маданиятини ҳам ифодалайди.

Манбаларда ҳужжату-л-ислом, яъни ислом динида ҳақ қарашларни айтишчи лақабига муносиб кўрилган аллома Абу Ҳомид Ғаззолий “Эй фарзанд” асарида “Эй фарзанд! Одоб бир неча кўринишга эга. Инсон, ав-

вало, кийиниш одобларини яхши билмоғи лозим” — дейди. Демак, кийинишнинг ҳам маданияти бор, унга амал қилиш лозим. Пайғамбарларимиз Мухаммад алайҳи-с-салом: “Кийимингизни дид билан кийинглар, токи одамлар орасида юзга оро берган хол мисоли чиройли бўласизлар” — деганлар.

Айрим аёлларимиз, айниқса ҳаж умрага бориб келган ёки араб-форс мамлакатларида бўлиб қайтган, таълим саёҳат, тижорат мақсадида Ҳиндистон, Туркия сафарида бўлган хотин-қизлар ўзимизнинг миллий кийимларимизни киймасдан, мазкур хориж халқларнинг миллий кийимларига ружу қўймоқдалар. Юқорида таъкидланганидек, ислом дини тарқалган кўплаб юртлар бизнинг маданиятимиздан, либосларимиздан илҳомланган, тақлид қилган. Мазкур ҳолатнинг тамомила акси бўлган қизларнинг тиззадан юқори юбка кийиб ёки киндикларини очиб, шарм-ҳаёсиз, ярим яланғоч ҳолати ҳам афсуски, учрамоқдаки, бу ҳам бизнинг кадрятларимизга тамомила зид ҳолатдир.

Демак, кўр-кўрона тақлид нафақат миллат маънавиятига таҳ-

дид, балки мамлакат иқтисодий салоҳиятига ҳам жиддий ҳавфдир.

Ғарбона ҳаётни тарғиб қилишда интернет сайтларининг ҳам алоҳида ўрни бор. Улар фахш, очик-сочикликни ёшлар онгига маданият сифатида сингдиришга интилмоқда. Барча бирдек интернет таҳдидига қарши курашмас экан, маънавият таназзуд, инқироз кўчасига тобора чуқур кириб бораверади. Кийиниш маданияти ҳақида мўътабар манбаларда қатор таъкидлар келтирилган. Жумладан, Пайғамбарларимиз алайҳи-с-салом: “Ким бирор қавмга ўзини ўхшатса, у ҳам ўшалардандир” — деб бошқа дин вакиллари, миллатларга тақлид қилишдан қайтариб, миллий анъаналарга содик қолишга буюрганлар.

Мухтарам Биринчи Президентимиз Ислом Каримов ҳам либос масаласига алоҳида эътибор қаратганлар: “Ватанга бундай юксак муҳаббат туйғуси миллий либосларга бўлган муносабатда ҳам яққол кўзга ташланади. Чиройимизга-чирой, кўркимизга-кўрк қўшадиган миллий либосларимиз қадрини баланд тутайлик. Улар оламнинг бетакрор бир гўзаллиги эканлигини унутмайлик.

Либослар — ўзлик, кадр-қиммат, ор-номус кўзгусидир!”

Ислом Каримов ички гўзаллик, маънавият либосларда акс этишини таъкидлаб ўтганлар. Шундан ибрат олиб, ор-номусимиз, кадр-қимматимиз, ўзлигимиз бўлган миллий либосларимизга эътиборни кучайтиришимиз давр талаби бўлиб келмоқда. Зеро, халқимизда “ҳаё ва ибони ташқи кўриниши кийимдир”, деган нақл бор.

Россия ФА маданиятшунослик институти қатта илмий ходими Леонид Китаев-Симк бугунги Европага хос иллатлардан бири сифатида очик-сочик кийинишдан хавотирда эканини билдирди: “Аёлларни ялонғочлашуви эркаклар учун ҳалокатдир”. Унинг фикрича аёллардан ҳаёнинг кетиши эркакларнинг ҳалокати бўлиб, бу борада ҳеч ким бефарқ қараб турмаслиги лозим- дахлдор бўлиши керак.

Демак, бугун кийиниш маданияти масаласида бутун дунё афкор оммаси хавотирда. Уларнинг барчаси ўзининг ментал хусусиятлари сақлаб қолиниши, келажак авлодларга бекаму кўст этиб боришини истайди. Бунинг учун эса изчил амалий ҳаракатлар зарур.

Эркин РАҲИМОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист,
“Вокал” кафедраси доценти

Машинани белгиланган тезликда ҳайдаб кетар эканман, бу йигитга кейинроқ разм солдим. У газелни олд ўриндигининг дерза тарафида ўтирарди. Бутун диққатим йўлда бўлса-да, аммо йўловчи йигитнинг ўйчанлиги мени ҳаёлимни олди. У тим қора сочли, қалин қоши, бугдойранг юзлари тожикларни эслатарди. Тўғриси айтганда йигит кишига хусн берилса шундай бўлади, дея ичимда пичирлаб ҳам қўйдим. Нотаниш йўловчининг кийиниши ҳам тартибда эди. Мовийранг кўйлак, қора шим, қўлидаги замонавий русумдаги телефони ҳеч ким уни йўқламагандай асло жириглаб безовта қилмасди.

Бахтсиз тасоқиф

Йўл бироз олис. Орт тарафдан икки аёл бозор ҳақида гаплашиб келар, уларга ҳеч ким парво қилмасди. Шаҳардан қишлоққа киравериш постида ёнимдаги ўрта ёшли киши тушиб қолди. Ҳалиги йигит эса менга энди танишдек туюлди, бироқ уни аниқ ким эканлигини асло эслолмадим. У ҳамон кўчага қараб ўйчан кетар, гоҳ-гоҳида жимжит телефонига кўз югуртириб кўярди.

— Катта дўкон олдида тўхтагиб юборинг, — беихтиёр ҳаёлимни унинг овози бўлиб юборди. Айтилган жойда машина аста тўхтатдим. У тушиб қолди. Яна йўлда давом этарканман, орқа ўриндикда ўтирган икки аёлни аста пичинг қилиб гапиришлари қулоғимга чалинди.

— Қаранг гулдай йигит-а?

— Санобарни ўғлими?

— Ҳа, оғир касал эмиш, эшитишимча юраги хаста. Санобар ўзи шу қишлоқнинг қизи. Шаҳарга турмушга чиққанди. Ўғли оғир дардга чалинганда, докторлар қишлоққа боринглар, бемор баҳаво жойларда бўлса соғлигига ҳам анча яхши бўлади, дебди. Шунинг учун Санобар қизлик хонадонига Салим отанинг уйига келиб турибди.

— Шундайми? Тузалиб кетсин.

— Мени қайнисинглим кардиолог врач, ундан сўрасам юраги хаста бемор-

га бошқа киши юрак берса тузалиб кетади деб айтди.

— Шундайку-я, лекин бошқа бировнинг юраги тўғри келадими?

— Юрак берувчи беморнинг яқин қариндоши ёки оила аъзоларидан бири бўлиши керак экан.

— Шундайми?

Бу суҳбатдан кейин мени бошимда Санобар ҳақидаги хотиралар чарх ура бошлади. У менинг мактабдошим, тўғрироғи севган қизим эди. Биз бир-биримизга бефарқ эмас эдик. Не сабаб бўлдики, тақдир тақозоси билан қаттиққўл отаси уни шаҳарга турмушга бериб юборди. Ҳалиги аёлларни гапи рост бўлса бу йигит сўйганимни суюкли ўғли экан-да. Нахотки у касал бўлса, бу ҳам Худонинг иши.

Мен шу бугун толиқиб уйга қайтдим. У йигитни бошқа сира учратмадим. Ичимда Санобарни кўришга борайми, деган ўй ҳам келди, лекин ...оғриндим.

Икки ойлар вақт ўтгандан сўнг қишлоқда чўпон Салим отанинг қизи Санобар оламдан ўтибди деган хунук хабар тарқалди...

Достонбек РАҲМАТУЛЛАЕВ,
“Санъат назарияси ва тарихи”
йўналиши 1-босқич магистранти

Ётоқхонадаги талаба, ҳамхонасига деди:

— **Ўрток, қора фломастерингни бериб тур.**

— **Нима қиласан?**

— **Учрашувга кетаётгандим. Қора рангли пайпогимнинг тавони тешилиб қолибди, оёғимнинг шу жойини қорага бўяб олай.**

* * *

Бир талаба докторга борибди.

— Доктор, нимагадир қорним оғрипти.

Доктор ҳеч нарса демай чўнтагидан пул чиқариб:

— Буни ол, қорнингни тўйғазиб кел, —

дермиш.



Латифалар

Кечирасиз домла, мен имтиҳонда қатнаша олмайман. Бувим оламдан ўтди.
— А? Бу нечанчи бувингиз ўзи?
— Айб менда эмас, бобом олти марта уйланган бўлса...

* * *

Имтиҳон.

— **Исм-иарифингиз?**

— **Бобур Анваров, — деди талаба кулимсираб.**

— **Нимага тиржааясан?**

— **Биринчи саволга тўғри жавоб берганимдан хурсандман, домлажон!**

ГУЛМИРАГА АЙТИЛАЖАК МАСАЛ

Севишни ўргатар сенга шошқин сой — Тошбағир харсангни юзини силаб.

Севишни ўргатар сенга тўлин ой — Қуёйдан бир умр қатим нур тилаб.

Севишган ўргатар сенга узун йўл — Бедарак манзилга интилиб, суйиб.

Севишни ўргатар сенга атиргул — Ҳайкалнинг пойига бошини қўйиб.

Севишни ўргатар сенга сўлим боғ — Бол билан сулувлар энг сулув дея.

Севишни ўргатар кўнгилдаги оқ — Асл муҳаббатнинг ранги шу дея.

Севишни ўргатар жами табиат, Гулим, сен севишни ўргангил фақат.

Фақат шошқин сойдек ўзандан тошма, Тошдил харсангларни силашга шошма!

Ойнинг ҳам Қуёшни кута олмай, нақд Бир ойда икки бор тўлгани уят!

Юрилмаган йўлдан тиканлар ўсар, Ёмон йўл дея сўнг ҳар нокас бузар!

Атиргул ҳайкалга бош қўйгунча то — Ифорин таратиб қилган кўп хато!

Бол ила боғ сени авраса ҳам хўп — Мевали дарахтга тош отилар кўп!

Севишни ўргатар кўнгилдаги оқ, Бу оқлик сочда ҳам бўлгуси бироқ!

Кўп нарсани ўргатар сенга табиат, Гулим, сен севишни ўргангил фақат!

Шавкат ДҮСТМУҲАММАД,
“Мухбирлар клуби” сардори

Муассис:

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти

Тахрир хайъати:

Гўзал ХОЛИКУЛОВА
Ҳамдам ИСМОИЛОВ
Антонино КОШЕЛОВА
Рашид УСНАТОВ
Нафиса РАИМКУЛОВА
Хуршида ФАЙЗУЛЛАЕВА
Мухаррам БОЗОРОВА

Масъул котиб:

Шавкат ДҮСТМУҲАММАД

Тахририят манзили: 100025 Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ялонғоч мавзеси, 127 А уй.

Тел.: +99890 374-24-25; +99871 230-28-13

www.dsmi.uz; dsmi_info@olam.uz

Газета институтнинг тахририят ва нашриёт бўлимида тайёрланди. Улчами — А3, ҳажми 2 босма табоқ. Нухсаси — 1400 дона. Нархи келишилган нарха. Чоп этишга 30.10.2017 йилда топширилди.

Газета ҳар ойнинг охирига ҳафтасида «NISO POLIGRAF» МЧЖ босмахонасида чоп этилади. Манзил: Ўрта Чирчиқ тумани, Оқ ота ҚФЙ, Машғал маҳалласи, Марказ — 1.

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида № 02-00166 рақами билан 2012 йил 19 декабрда рўйхатга олинган.